

ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

(жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича)

Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасида etender.uzex.uz парталига энг яхши таклифларни танлаб олиш юзасидан жойлаштирилган эълон натижалари бўйича 15-мактаб иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисидаги 2022-йил 02-ноябрьдаги Лот №169932 йиғилиш баённомасига асосан

7«11»2022 yil.

613-7-92-ХТ/2022-son

Бундан буён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи **Оқдарё туман халқ таълим бўлими** номидан узининг низоми асосида фаолият олиб борувчи рахбар С.Ортиқова бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “**BEKZODBEK QURUVCHI STROY**”МЧЖ номидан узининг низоми асосида фаолият олиб борувчи Н.Бозоров томондан, ушбу контрактни қуйидаги тўғрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларни қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Сони	нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	15-умумтаълим мактабини иситиш тизимини жорий таъмирлаш	1	612230000	612230000
	Жами (ҚҚС билан)			612230000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **612230000** (олти юз ун икки миллион икки юз уттиз минг) сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан).

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “07” ноябрь 2022 й. Тугаши: “07” декабрь 2022 й.

Батафсил баёни

1	
2	
3	
...	

Алоҳида шартлар

1	Смета хужжатлари асосида
2	
3	
...	

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 7 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи жойлаштирилган эълон натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Пудратчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 15 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Пудратчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда контракт талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Контракт шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Пудрат ишлари бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган пудратчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асосиз равишда рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асосиз рад этилган) ҳолларда, пудратчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида ишлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи пудратчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Пудратчи:

- савдоларда катнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;
- сифат, техник параметрлар ва таклиф этилаётган ишларни бажариш муддатлари пудратчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати стандартлар, техник шартлар, конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажрганлик учун жарима етказиб пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Пудрат ишлари бажариш муддати ўтказиб юборилган ёки бажарилмаган ҳолларда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси бажарилмаган пудрат ишлари қийматининг 50 фоизидан ошишига йўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва пудрат ишларини бажариш муддатини ўтказиб юборилиши ёки бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. ЮҲ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 феввалидаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2 Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши

курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3 Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан такқослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар

ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4 Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5 Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6 Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироқи хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7 Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8 Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий кийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.3 Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ


9.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабргача амал қилади.

9.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

9.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Пудратчи	Буюртмачи
<p>Ташкилот номи: "BEKZODBEK QURUVCHI STROY" МЧЖ</p> <p>Манзил: Оқдарё туман Янгихаёт қишлоғи Телефон: +998941877747</p> <p>СТИР коди: 306242865</p> <p>Х/Р: 20208000405039237001</p> <p>Банк номи: Самарқанд ш.ОАТ "Турон" банкининг Самарқанд филиали МФО: 00282 Раҳбар, Ё.Иброҳимов (имзо) Н.Бозоров М.Ў.</p> 	<p>Ташкилот номи: Оқдарё туман Халқ таълим бўлими</p> <p>Манзил: Оқдарё туман Зарафшон кучаси 23 уй</p> <p>Тел.: 4925145 СТИР коди: 201738292</p> <p>Ҳазна шхр: 401722860182037092100075006</p> <p>Ҳазначилик бўлинмаси номи: Оқдарё туман Ҳазначилиги Ягона Ҳазначилик х/р (ЯҲХ):</p> <p>Банкнинг номи: Мар-й банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХККМ</p> <p>Банк МФО: 00014</p> <p>Ҳазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919</p> <p>Раҳбар (директор): _____ С.Ортиқова М.Ў. (имзо)</p>

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SURAYYO ORTIQOVA SUNNATOVNA
	Imzolangan sana	07.11.2022 16:37
	Hujjat kodi	TN4854303774
	Hulosa kodi	OH5641810733

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

OH5641810733

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **kurilish**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: OQDARYO TUMAN XALQ TA'LIMI MUASSASALARI FAOLIYATINI METODIK TA'MINLASH VA TASHKIL ETISH BO'LIMI tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Oqdaryo tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



SH.S.NOSIROV

07.11.2022

Сторонам сделки рекомендуется ознакомиться с условиями Договора купли-продажи, а также с условиями предоставления гарантий и возврата денег, опубликованными на сайте продавца.

**УБЕКИСТОН РИПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚОЎМИТЕТИ ҚУРАМИДА
ҲАМ УЎНАВИ ШИЎАҚИЙ НАЛОҚОВИЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКАСИ УЎБЕКИСТОН**

Сторонам сделки рекомендуется ознакомиться с условиями Договора купли-продажи, а также с условиями предоставления гарантий и возврата денег, опубликованными на сайте продавца.

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и присвоении идентификационного номера налогоплательщика

**СОЛИК ТУЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС
НАДОГОЛ ТАТВАЛЫЧИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО**

Тўлиқ исми:
Полное наименование:

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "BEKZUOBEK
QURUVCHI STROY"**

Коррупция билан
Коррупция билан:

DOO "BEKZUOBEK QURUVCHI STROY"

Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси рўйхати тизими ва унга қўйилган
соллик (у шунга идентификация рақами (СНП) берилган)

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)

476242865

СНП берилган сана:
Дата присвоения ИНН:

Ҳисобга қилинган ДСТҒ
Зарғи берилган ҲНН

Оқдара тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернет-сайтлари ва
ошмадан шикоят қилинган ҳолда берилган.

Давлат Удоставасини сўрашнинг ва расмий сайтлар
Тасулар тизими нақли ошмадан берилган.

Гувоҳнома ҳол эмитган сана:
Дата распечатки удостоверения:

21.09.2021 10:54:54